

Амаки отадир



18:00 / 16.12.2018 3457

Мужоҳиддан ривоят қилинади:

«Яъла ибн Умайя фатҳдан кейин Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига отасини у зотга ҳижрат учун байъат қилдиргани олиб келди.

Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Фатҳдан сўнг ҳижрат йўқ», дедилар.

«Эй Аллоҳнинг Расули! Отамнинг ҳижрат учун байъатини қабул қилинг», деди.

«Фатҳдан сўнг ҳижрат йўқ», дедилар.

У Аббоснинг олдига бориб, Набий соллаллоҳу алайҳи васал-ламнинг ҳузурларида шафоатчилик қилишни илтимос қилди. Шунда Аббос Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурла-рига келиб:

«Эй Аллоҳнинг Расули! Мен қасам ичиб айтаманки, Яъло-нинг отасининг ҳижрат ҳақидаги байъатини қабул қилинг», деди.

У зот қўлларини узатдилар ва:

«Амакимга итоат қилдим. Барибир фатҳдан кейин ҳижрат йўқ», дедилар».

Ҳусайн Марвазий ривоят қилган.

Ушбу ривоятдан маълум бўляптики, демак, амаки ҳам отанинг ўрнига ўтар экан. Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзлари икки марта қайтарган нарсага амакилари воситачи бўлиб келганлари учун рози бўлганлар. Ўша иш қилиб бўлмайдиган нарса эканини билиб туриб ҳам, «Мен амакимга итоат қиялман, лекин барибир Аллоҳнинг ҳукми бу эмас», деган маънодаги гапни айтиб, унинг байъатини қабул қилганлар.

Бундан киши ўзида отасининг ҳаққи бўлганидек, амакиларнинг, катталарнинг ҳам ҳаққи борлигини билиши, баъзи савобли ишларда улардан бири илтимос қилса, орага тушса, қабул этишлари, бошқа бир сўровлари бўлса, ижобат қилишлари лозимлиги келиб чиқади.

Ибн Журайждан ривоят қилинади:

«Менга Муҳаммад ибн Абдурраҳмон хабар қилди. Абдулаъло ибн Абдуллоҳ ибн Абу Фарва Муттолиб ибн Ҳантобдан хабар берди. У амакиси Имрон ибн Абу Фарва билан ўтирган эди, унга (Муттолиб) жой берди. Шунда Муттолиб иккисининг орасига киришни истамади ва: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва-аллам ота билан боланинг орасини ажратишдан қайтарганлар», деди.

Шунда Абдуллоҳ: «Бу амаким», деди.

У: «Амаки отадир», деди».

Ҳусайн Марвазий ривоят қилган.

Демак, амаки-жиян ўтирганларида бир ҳурматли одам кириб келган. Икковлари икки томонга сурилиб, унга ўтириши учун жой бўшатишган эди,

«Мен бу ерга ўтирмайман. Чунки Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам «Ота-боланинг орасини ажратиб ўтирманглар», деганлар», дебди. Бола ёшлиқ қилиб, «Бу амаким», деганида «Амаки отадир», яъни отанинг ўрнидадир, дебдилар. Амакининг ота ўрнига ўтиши мана шу ривоятдан олинган.

“Кексаларни эъзозлаш” китобидан